

# ТОШКЕНТ ҲАҚИҚАТИ

1928 йил 11 декабрда асос солинган

## Ўзбекистон Республикаси Президентининг ҚАРОРИ

### ИМТИЁЗЛАР ВА ПРЕФЕРЕНЦИЯЛАР БЕРИШ ТАРТИБИНИ ТУБДАН ТАКОМИЛЛАШТИРИШ ЧОРА-ТАДБИРЛАРИ ТЎҒРИСИДА

Мамлакатни жадал ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш мақсадида иқтисодиётни эркинлаштириш, тадбиркорликни қўллаб-қувватлаш, чет эл инвестицияларини фаол жалб қилиш, товарлар (ишлар ва хизматлар)дан эркин фойдаланишни таъминлаш ҳамда ҳўжалик юритувчи субъектларнинг барча тоифалари учун тенг рақобат шароитларига эга бўлган ягона иқтисодий маконни шакллантириш бўйича кенг қўламли чора-тадбирлар амалга оширилмоқда.

Шу билан бирга, айрим ҳўжалик юритувчи субъектларга имтиёзлар, преференциялар ва эксклюзив ҳўқуқлар бериш юзасидан шакланган амалиёт қуйидагилар каби қатор жиддий муаммоларни келтириб чиқармоқда:

**Биринчидан**, муайян тармоқ ёки ҳудуддаги алоҳида ташиқлотларга имтиёзлар, преференциялар ва эксклюзив ҳўқуқлар аниқ мезонларсиз ҳамда уларни асословчи шаффоф механизмларсиз танлаб берилиши оқибатида мазкур ташиқлотлар учун асоссиз устувор шарт-шароитлар яратилмоқда;

**Иккинчидан**, қўллаб-қувватлаш субъектлар томонидан давлат бошқаруви функциялари қўшиб амалга оширилмоқда, бу эса бозорда имтиёзли макомга эга бўлиш учун маъмурий ресурслардан фойдаланишга ва инсофли рақобат принциплари бузилишига олиб келмоқда;

**Учинчидан**, индивидуал имтиёзлар ва преференциялардан фойдаланувчи ҳўжалик юритувчи субъектларда боқимандалик кайфияти шаклланимоқда, бундай субъектларнинг ташаббускорлиги йўқ ва ишчанлик фаоллиги паст, шунингдек, улар ишлаб чиқарган маҳсулотлар рақобатбардош эмас;

**Тўртинчидан**, берилаётган имтиёзлар ва преференцияларнинг самарадорлигини, жумладан уларнинг муайян тармоқлар, ҳудудлар ва умуман мамлакат иқтисодиёти ривожланишига амалий таъсирини баҳолашда тизимлилик мавжуд эмас.

Бозорда соғлом рақобат муҳитини шакллантириш ва бизнес юритиш учун тенг шарт-шароитлар яратиш, фаол тадбиркорлик ривожланишини ҳар томонлама қўллаб-қувватлаш, инсофли рақобат принциплари амалга оширилишини таъминлаш мақсадида, шунингдек, 2017-2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йўналиши бўйича Ҳаракатлар стратегиясининг вазифаларига мувофиқ:

1. Маълумот учун қабул қилинсинки, Ўзбекистон Республикасининг солиқ тизимини ислоҳ қилиш доирасида:

соғлом рақобат муҳитини таъминлаш учун индивидуал солиқ ва божхона имтиёзлари бериш амалиётини максимал даражада чеклаш, имтиёзлар ва преференциялар бериш, уларнинг иқтисодий жиҳатдан асослилиги ҳамда самарадорлигини баҳолаш тизимини, шунингдек, улардан фойдаланишни мониторинг қилиш механизмларини такомиллаштириш;

солиқ ва божхона имтиёзларини фақат аниқ мақсадда бериш тартибини ишлаб чиқиш ҳамда тасдиқлаш, уларни қўллаш самарадорлигини мониторинг қилиш ва баҳолаш тизимини жорий этиш, самарасиз фойдаланилган имтиёз суммаларини бюджетга мажбурий қайтариш механизмларини мустаҳкамлаш назарда тутилмоқда.

2. Шундай тартиб ўрнатилсинки, унга кўра: солиқ ва божхона имтиёзлари ҳамда преференциялар (кейинги ўринларда имтиёзлар деб юритилади) қонунлар ва Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳўжатлари билан умуман тармоқлар, фаолият соҳалари, ҳудудлар учун берилади, шунингдек, аниқ мақсадга эга бўлиши ҳамда аниқ ижтимоий, иқтисодий ва молиявий натижаларга эришишни таъминлаши зарур;

Давоми 2-бетда ➡

## Сурур

Вилоятимиз бўйлаб 1 июнь – Халқаро болаларни ҳимоя қилиш кунига бағишланган байрам тадбирлари “Ҳар бир фарзандга меҳр, эътибор” шiori остида ташкил этилди.

Байрам тадбирлари вилоятимизнинг Олмалиқ шаҳри, Пискент туманининг “Ёшлар боғи”ида, Чирчиқ шаҳрининг “Кимёгарлар”, Бобур номи, “Машинасозлар” маданият ва истироҳат боғларида, Бўка туманидаги “Баҳор” тўйхонасида, Оҳангарон ва бошқа туманларнинг маданият ва истироҳат масканларида бўлиб ўтди.

Ёзининг биринчи кунини вилоятимизнинг барча туманларида келажагимиз эгалари учун турли концертлар, кўргазмалар, сайиллар, спорт мусобақалари ўтказилди. Туманлардаги истироҳат боғлари эса болаларнинг табиассуми, шўх-шодон кулгилари билан гўёки мўъжизалар оламига айланиб кетди.

Шу кунини Оҳангарон шаҳрининг маданият ва истироҳат боғидаги байрам кувончлари 2-мактабгача таълим муассасасида ҳам давом этди. Унда “Мойчечак” ва “Нилуфар” гуруҳларининг ўғил-қизлари 4 та шарт бўйича куч синишти. Бахсларда “Мойчечак” гуруҳининг

## БАҒРИ БУТУН ЭЛНИНГ БАҲТИЁР БОЛАЛАРИ



Мансур ҲИММАТОВ олган сурат

“Ширинтой” жамоаси галаба қозонди.

– Халқаро болаларни ҳимоя қилиш кунини бутун дунё болалари учун энг беғубор ва кувончли байрам ҳисобланади, – дейди муассаса раҳбари Хилола Қўчимова. – Шу

боис, муассасамизда болажонлар учун кичик спорт мусобақалари ўтказганимиз байрам шукҳини янада оширди. Унда голиб чиққан болакайларга эсдалик совғаларини топширдик. Ўсиб келаётган ёш авлод-

нинг ҳар томонлама камол топишида жисмоний тарбия ва спортнинг ўрни беқиёсдир. Шу боис, мамлакатимизда спорт, хусусан, болалар спортини ривожлантириш давлат сиёсатининг устувор йўналишларидан бири бўлиб

келмоқда. Шу маънода, бугунги тадбирларда ҳам мана шу эзгу мақсадлардан келиб чиқиб, болажонларнинг спорт билан шугулланиши рағбатлантирилди.

Давоми 2-бетда ➡

## 2018 йил – Фаол тадбиркорлик, инновацион гоялар ва технологияларни қўллаб-қувватлаш йили

### ЁШ ТАДБИРКОРНИНГ КАТТА ЛОЙИҲАСИ

Замонавий технологияларнинг ривожланиши инсониятга қатор қўлайликлар яратмоқда. Телефон, компьютер, чангютгич, ҳуллас, бу рўйхатни узок давом эттириш мумкин. Улар ишда, ўқишда, ош-

хона ва ҳатто қурилишда ҳам ишимизни осон қилаётир. Сизга айтмоқчи бўлганимиз техника бўлмаса-да, ажойиб тараққиёт ва тафаккур маҳсули кунимизга яраши шубҳасиз.

...Эсимда, уйимиз қурилаётганда бошланғич синфда ўқирдим. Ўшанда амаки-ю тоғаларимнинг томишимизга челақ-челақ лой ташиганларининг сабабини тушунамагандим. Кейин билсам, у лўмбоз дейиларкан. У ёзда иссиқдан, қанда совуқдан асрар экан. Буни қараганки, ўша лўмбоз тайёрланган лўмбоз ҳам замонавийсига ўрин бўшатапти.

Англияда бизнес ва менежмент йўналишида тахсил олган Нурмуҳаммад Тўрабоев соҳада янгилик қилишни ва бунинг бошқаларга фойдаси тегишини орзу қиларди. Жанубий Кореяга қилган сафари унга шундай имкониятни

тақдим этди. У ерда қурилиш соҳасидаги бир қанча янгиликларни ўзлаштириб қайтди.

Мамлакатимизда тадбиркорликни қўллаб-қувватлаш бўйича яратилган имкониятлардан унумли фойдаланиб, ўрганганларини юртимизда татбиқ қилиш мақсадида 2016 йили “NANO-PLAST SERVIS” корхонасини ишга туширди.

Қиррай туманида иш бошлаган корхонада қурилишда лўмбоз ўрнини босувчи пўкак ишлаб чиқариш йўлга қўйилди. Бу маҳсулот кўп қаватли уйлар, инновацион музлаткичларнинг поллари ва бошқа қатор қурилиш ишларида қўлланилади. Корхонада иш-

лаб чиқариш Хитойдан келтирилган технологиялар асосида, компьютерлаштирилган равишда олиб борилади. Хом ашё эса Хитой, Россия, Жанубий Корея давлатларидан келтирилади.

– Ушбу маҳсулотга одам организмига салбий таъсир кўрсатувчи химий моддалар, елим ва бошқа қўшимчалар қўшилмайди, – дейди корхона раҳбари Нурмуҳаммад Тўрабоев. – Хом ашё парда шиширилиб, қўлига солинади ва уч кун давомида тайёр маҳсулотга айлантирилади.

Эътиборлиси, ёш тадбиркор катта лойиҳага қўл урди. У Қорақалпоғистондаги “Хў-

жайли Агросаноат” корхонаси учун 5 минг тонналик инновацион музлаткича 709 куба, яъни 250 миллион сўмлик маҳсулот етказиб берди.

Дарвоқе, ўтган йили тадбиркор Жанубий Кореядаги ҳамкорлари билан 80 минг АҚШ долларлик шартнома тузган. Шартномага кўра, Сирдарё вилоятида қурилаётган 20 гектар майдондаги иссиқхонага пўкак пенапласт етказиб бериши керак. Тез орада бу ҳам ўз ниҳоясига етар экан.

Ҳа, “Ақл ёшда эмас, бошда”, дейишди. Эндигина 26 ёшни қаршилаган Нурмуҳаммад Тўрабоев, учта тилда бемалол гаплаша олади. Бу эса унга хорижий инвесторларни жалб қилишда катта ёрдам бераётир.

Ирода НОРОБОВА,  
“Тошкент ҳақиқати”  
муҳбири



## ТИНИҚ ТУЙҒУЛАРГА ОШНО ЮРАКЛАР...

Мамлакатимизда ёш авлод таълим-тарбияси, ҳар томонлама камолга етиши йўлидаги сайё-ҳаракатлар ёзги таътил даврида янада аққол намоён бўлади. Ўқув йили давомида тинимсиз машғулотлар, ўқиб, изланиш натижасида маданий ҳордиқ, истироҳатга эҳтиёж сезган ёш вужуднинг ёз фаслида мириқиб, яйраб дам олиши учун яратилаётган шарт-шароитлар ҳақида сўз борганда, дарҳол Бўстонлик тумани тилга олиниши бежиз эмас.

Мусаффо ҳавоси, сўлим табиати билан болажонларнинг сеvimли масканига айланган тумандаги 15 та ёзги дам олиш оромгоҳларида таъмирлаш ишлари ниҳоясига етказилди. Ёз бўйи бу масканларда 15 минг ўғил-қизнинг мароқли дам олиши кутилмоқда. Улар орасида “Чимён” болалар оромгоҳи ўзига хос жозибадор кўриниши билан алоҳида ажралиб туради.

– Одамларнинг розилиги, миннатдор боқаётган нигоҳларга гувоҳ бўлишдан ортиқ ҳузур-ҳаловат йўқ бу оламда, – дейди “Чимён”нинг раҳбари Рўзимат Бобораҳимов. – Айниқса, яқин кунларда ёш қалбларнинг беғубор, шодон кулгиларига тўладиган масканимизнинг фойз-тароватини айтмайсизми?

Давоми 2-бетда ➡

## Ўзбеклар матонатига бағишланган китоб-альбом нашр этилади

Иккинчи жаҳон урушида фашизм устидан қозонилган галабага Ўзбекистон халқининг қўшган муносиб ҳиссасига бағишланган китоб-альбом нашр этилади.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2018 йил 31 майда “Иккинчи жаҳон урушида фашизм устидан қозонилган галабага Ўзбекистон халқининг қўшган муносиб ҳиссасига бағишланган китоб-альбомни нашр этиш чора-тадбирлари тўғрисида”ги Фармойиши қабул қилинди.

Ҳужжатда Иккинчи жаҳон урушида фашизм устидан қозонилган галабага Ўзбекистон халқининг қўшган муносиб ҳиссаси ҳамда ушбу тарихий воқеанинг 2020 йилда нишонланидиган 75 йиллигига бағишланган китоб-альбомни нашр

этиш назарда тутилган. Мазкур китоб-альбомни тайёрлаш ва нашр этиш ишларини мувофиқлаштириш бўйича Ташкилий қўмита таркиби тасдиқланди.

Ташкилий қўмита республика ва хорижий мамлакатлардаги архив ва музейларда сақланаётган мавзуга оид тарихий ҳужжатларни тўплайди ва ўрганади. Шунингдек, Иккинчи жаҳон уруши даврида фронтда қатнашган ва фронт ортида фидокорона меҳнат қилган юртдошларимиздан уларнинг хотираларини ёзиб олиш, шахсий альбом ва кутубхоналарида сақланаётган

тарихий материалларни тўплаш ишларини олиб боради. Аҳолининг шахсий кутубхоналарида сақланаётган тарихий аҳамиятга эга бўлган ҳужжатлар, ўша даврга оид ноёб суратларни тўплаш ва нашрга тайёрлаш каби ташкилий ишларни бажаради.

Ушбу китоб-альбомни нашр этишдан мақсад халқимизнинг 1941-1945 йиллардаги Иккинчи жаҳон урушида эришилган буюк галабага қўшган муносиб ҳиссасини тарихий ҳужжатлар асосида кўрсатиш, фашизмга қарши жангларда қатнашган юртдошларимизнинг номларини абадийлаштириш, ёш авлодни мардлик, Ватанга меҳр ва садоқат руҳида тарбиялашдир.

Ў.А

## САЙЁР ҚАБУЛ СОВҒАЛАРИ

Ўрта Чирчиқ туманида 10 нафар ногиронлиги бор шахсга аравачалар топширилди. Ушбу хайрия тадбири туман ҳокимияти, Халқ қабулхонаси ва хотин-қизлар қўмитаси билан ҳамкорликда ташкил этилди.

### Ижтимоий ҳимоя

Мамлакатимизда ижтимоий ҳимояга муҳтож фуқароларни ҳар томонлама қўллаб-қувватлаш, уларнинг турмуш шароитини янада яхшилаш, муаммоларини ҳал этиб беришга алоҳида эътибор қаратилмоқда.

– Бугунги тадбирдан кўнглим тоғдек кўтарилди, – дейди Отабек Норқўзиёв. – Чунки, анчадан буён арава-



чага муҳтож эдим. Бизга эътибор бериб, ғамҳўрлик кўрсатаётганларга чин дилимдан раҳмат айтмоқчиман.

– Ўғлим болалигидан юра олмайди, – дейди Ақромхўжа Тўхтабоев. – Ўйда ўтириб зерикарди. Энди аравачада кўчаларни айлантириш имкони борлигидан хурсандман. Бунинг учун ўз мин-

натдорлигини билдираман. Тадбир давомида 15 та кам таъминланган оилага кундалик турмушда зарур бўладиган маҳсулотлардан иборат совғалар тўплами тарқатилди. Бундай хайрли ишлар яна давом этиши таъкидлаб ўтилди.

Ўз муҳбиримиз  
Равшан МИРЗАКУЛОВ  
олган сурат

Ўзбекистон Республикаси Президентининг  
ҚАРОРИИМТИЁЗЛАР ВА ПРЕФЕРЕНЦИЯЛАР БЕРИШ ТАРТИБИНИ  
ТУБДАН ТАКОМИЛЛАШТИРИШ ЧОРА-ТАДБИРЛАРИ ТЎҒРИСИДА

вақтинчалик имтиёзлар Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳужжатлари билан 3 йилдан ортиқ бўлмаган муддатга берилди, Ўзбекистон Республикасининг халқаро шартномаларида назарда тутилган ҳоллар бундан мустасно;

индивидуал имтиёзлар, алоҳида ҳолларда, хусусий сектор инвестиция қилишдан манфаатдор бўлмаган тармоқларда ижтимоий аҳамиятга эга лойиҳаларни амалга ошириш учун, аниқ ижтимоий ёки иқтисодий асослар мавжуд бўлмаганда ёхуд Ўзбекистон Республикасининг халқаро шартномаларида мувофиқ, Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳужжатлари билан берилди;

имтиёзлар беришга, боғжона тўловлари бўйича имтиёзлар қўллаган ҳолда Ўзбекистон Республикаси ҳудудига олиб қилинадиган (импорт қилинадиган) товарлар рўйхатлари ва уларга тузатишлар, имтиёзлар бериш тўғрисида қонун ёки Ўзбекистон Республикаси Президентининг ҳужжати мавжуд бўлган тақдирдагина, имтиёз берилган ташкилот томонидан шакллантирилади, шунингдек, уларнинг комплекс экспертизасини амалга ошириш учун Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Лойиҳа бошқаруви миллий агентлиги қўшидаги "Лойиҳалар ва импорт контрактларини комплекс экспертиза қилиш маркази" давлат унитар корхонасига киритилади;

боғжона тўловлари бўйича имтиёзлар қўллаган ҳолда Ўзбекистон Республикаси ҳудудига олиб қилинадиган (импорт қилинадиган) товарлар рўйхатининг комплекс экспертизаси ақунлари бўйича Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Лойиҳа бошқаруви миллий агентлиги қўшидаги "Лойиҳалар ва импорт контрактларини комплекс экспертиза қилиш маркази" давлат унитар корхонасининг ижобий ҳўлсаси олинган тақдирда, ташкилот рўйхатда кўрсатилган товарларни белгиланган тартибда импорт қилиш ҳуқуқига эга;

боғжона тўловлари бўйича имтиёзлар қўллаган ҳолда Ўзбекистон Республикаси ҳудудига олиб қилинадиган (импорт қилинадиган) товарлар рўйхатининг комплекс экспертизаси ақунлари бўйича Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Лойиҳа бошқаруви миллий агентлиги қўшидаги "Лойиҳалар ва импорт контрактларини комплекс экспертиза қилиш маркази" давлат унитар корхонасининг ижобий ҳўлсаси олинган тақдирда, ташкилот рўйхатда кўрсатилган товарларни белгиланган тартибда импорт қилиш ҳуқуқига эга;

◀◀ Бошланиши 1-бетда

Вилоят  
ҳаётиТАДБИРКОРНИНГ  
ТУҲФАСИ

Бўка туманининг "Тош-лоқ" маҳалласида янги гўзаллик салони иш бошлади. Тадбиркор Наргиза Жалилова саъй-ҳаракати билан ташкил этилган ушбу салон маҳалла аёлларига қулайлик яратди.

Биз, аёлларда тўй-ҳашам бўлди дегунча, пардоз-андоз ташвиши бошланади, — дейди мижоз Матлуба Узоқова. — Шу сабабли, маҳалламизда гўзаллик масканининг очилганидан хурсанд бўлдик.

Буни қаранг-ки, ишнинг кўзини билган тадбиркор янги тикувчилик цехи, кийим-кечак, матолар ва атторлик дўкони фаолиятини ҳам йўлга қўйди. Натижада, маҳалла хотин-қизларининг 15 дан зиёди муқим ишли бўлди.

КЎНГИЛЛАР  
ОБОД БЎЛДИ

"Соғлом авлод учун" фонди томонидан бир қатор хайрия тадбирлари амалга оширилиб келинмоқда. Унда аҳолининг ижтимоий ҳимояга муҳтож қатламлари, "Меҳрибонлик", "Мурувват", "Саховат" уйлари, махсус мактаб интернатлари тарбияланувчиларини моддий жиҳатдан қўллаб-қувватлашга катта эътибор қаратиляпти.

Ана шундай тадбирлардан бири Юқори Чирчиқ туманидаги "Ариран" қаришлар уйида бўлиб ўтди. Унда маданий-маърифий кўнгилчор дастурлар намойиш этилиб, кексаларга бепул дори-дармон, санитария-гигиена воситалари, кийим-кечак, оёқ кийим ва озиқ-овқатлардан иборат ҳадялар улашилди.

Ўз муҳбиримиз

Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Лойиҳа бошқаруви миллий агентлиги берилган имтиёзларни муддатидан олдин тугатиш юзасидан Ўзбекистон Республикаси Президенти девонига асосланганлиги тасдиқланган қарорлар киритиш ҳуқуқига эга.

3. Белгилаб қўйилсинки:

а) имтиёзлар беришни назарда тутадиган норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар лойиҳалари Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Лойиҳа бошқаруви миллий агентлигида мажбурий тартибда экспертизадан ўтказилиши шарт. Бунда ушбу лойиҳалар юзасидан Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Лойиҳа бошқаруви миллий агентлиги томонидан амалга ошириладиган экспертизаларнинг бошқа турлари бир вақтда ўтказилади;

б) экспертизадан ўтказиш учун тақдим этилаётган норматив-ҳуқуқий ҳужжат лойиҳасига сўралаётган имтиёзлар бўйича асосланганлиги ва тегишли ҳисоб-китоблар мажбурий тартибда илова қилинади, уларда лойиҳанинг мақсади, амалга ошириш муддати, киритилаётган инвестиция ва экспорт ҳажми, янгидан ташкил этиладиган иш ўринлари сони, яратилаётган ёки жорий этилаётган инновациялар маҳсулот, технологик янгиликлар, прогрессив илмий изланишларнинг аниқ натижалари, ишлаб чиқариш, ишлар (хизматлар, солик тушумлари, имтиёзларнинг ҳисобланган суммаси ва бошқалар) ҳажмининг ўсиши кўрсатилади. Ушбу ҳужжатлар, жумладан, қуйидагиларни:

мамлакатни ижтимоий-иқтисодий жиҳатдан истиқболли ривожлантиришнинг устувор йўналишларидан келиб чиққан ҳолда, имтиёзлар ва преференцияларнинг алоҳида тармоқлар, фаолият соҳалари ва ҳудудларга таъсирини; берилаётган имтиёзлар ва преференцияларнинг бюджет ва жамият учун самарадорлигини; уларнинг рақобат муҳитига ва тадбиркорлик фаолиятига таъсирини баҳолаш нуктаи назаридан қўриб чиқилади.

4. Давлат ва ҳўжалик бошқаруви органлари, маҳаллий давлат ҳўкимияти органлари Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Лойиҳа бошқаруви миллий агентлигининг сўровларига кўра тегишли экспертиза ўтказиш учун зарур маълумотларни тақдим этсин.

5. Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Лойиҳа бошқаруви миллий агентлиги Иқтисодиёт вазирлиги, Молия вазирлиги ҳамда Хўсўсийлаштирилган корхоналарга кўмаклашиш ва рақобатни ривожлантириш давлат кўмитаси билан биргаликда имтиёзларнинг самарадорлигини, имтиёзлар суммасининг қўтилаётган натижаларга ва қабул қилинган мажбуриятларга мувофиқлигини, берилган имтиёзларнинг Ўзбекистон Республикасидаги, айрим тармоқ ва минтақалардаги ижтимоий-иқтисодий ривожланишга ҳамда рақобат муҳитига таъсири даражасини тизимли равишда мониторинг қилиш ва баҳолаш тартибини тасдиқласин.

6. Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги:

икки ой муддатда Ўзбекистон Республикасининг Давлат бюджетидagi йўқотишни аниқ баҳолашни назарда тутадиган, берилаётган имтиёзларни ҳисобга олиш тизимини жорий этсин;

навбатдаги молия йилига мўлжалланган Ўзбекистон Республикасининг асосий макроиқтисодий кўрсаткичлари прогнози ва Давлат бюджети параметрларида берилган имтиёзлар бўйича Ўзбекистон Республикасининг Давлат бюджетидagi йўқотишнинг умумий суммасини алоҳида қаторда кўрсатиб бурсин.

7. Ўзбекистон Республикаси Иқтисодиёт вазирлиги манфаатдор вазирлик ва идоралар билан биргаликда:

икки ой муддатда қонун ҳўжатларига мазкур қарордан келиб чиқадиган ўзгартиш ва қўшимчалар тўғрисида Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасига тақлифлар киритсин;

ўзлари қабул қилган норматив-ҳўқуқий ҳўжатлар ва бошқа ҳўжатларни мазкур қарорга мувофиқлаштирсин.

8. Мазкур қарорнинг ижросини назорат қилиш Ўзбекистон Республикасининг Бош вазири А. Н. Арипов ва Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Лойиҳа бошқаруви миллий агентлиги директори Ш. М. Садиқов зиммасига юклансин.

Ўзбекистон Республикаси  
Президенти Ш. МИРЗИЁЕВ

Тошкент шаҳри,  
2018 йил 31 май

## ТИНИҚ ТЎЙҒУЛАРГА ОШНО ЮРАКЛАР...



Шундай тотли лаҳзалар учун борингни берсам дейсан... Яшилликка бурканган бог-роғлар, сукунатга чўмган сервитор тоғлар болажонлар келишини интиқлик билан кутаётгандек... 360 ўринга мўлжалланган оромгоҳимиз бу йилги таъмирлаш

◀◀ Бошланиши 1-бетда

ишларидан сўнг янги келинчадек безанди. Оромгоҳ ҳўли-сига экилган икки мингдан ортиқ гул кўчатлари яшил оламнинг чиройига чирой қўшган. Қарийб етти гектари эгаллаган мевали богимиздаги олма, гилос, олча, олхўри, шафтоли, ёнғоқ дарахтлари

шигил мева туккан.

Тўрт мавсум давомида келадиган 1 минг 440 нафар бола-лар тажрибали, олий маълумотли тарбиячилар, ўқитувчилар ёрдамида сузиш, футбол, волейбол, стол тенниси, шахмат-шашка, инглиз тили, мусиқа ва рақс, драма, бичиш-тиктиш, тўқиш тўғараклари машғулотларидан баҳраманд бўлишади. Шунингдек, тиббиёт ва маънавият хоналари, кўтубхона болажонлар хизматида бўлади. 250 ўринли ошхонада эса беш маҳал иссиқ, сифатли таомлар тайёрланади. Гўзал табиат қўйнида кўнгилли дам олиш болажонларда тиниқ тўйғулар, инсоний фазилатларнинг шаклланишида муҳим омил бўлади.

С. ЭШМАТОВА

Д. АХМЕДОВ олган сурат

ҚОРАҚАЛПОҒИСТОНЛИК БОЛАЛАР ТОШКЕНТ  
ВИЛОЯТИДА СОҒЛОМЛАШТИРИЛАДИ

Қорақалпоғистон Республикаси шаҳар ва туманларидаги кам таъминланган, боқувчисини йўқотган оилаларнинг 200 нафар фарзандлари ёзги таътилни Тошкент вилоятидаги "Сумча" болалар ёзги дам олиш оромгоҳида ўтказишди.

— Ҳар йили ёз мавсумида Тошкент шаҳри, Тошкент, Қашқадарё, Жиззах вилоятларидаги дам олиш оромгоҳларида 7 ёшдан 14 ёшгача бўлган қорақалпоғистонлик Меҳрибонлик уйи тарбияланувчилари, ижтимоий ҳимояга муҳтож, боқувчисини йўқотган оилалар фарзандлари, жами 3 минг бола соғломлаштирилади, — дейди Қорақалпоғистон Республикаси Халқ таълими вазирлиги мутахассиси Р. Тангирбергенов. — Бугун ҳам ана шундай оилаларнинг 200 нафар фарзанди Тошкент вилоятига жўнаб кетди. Умуман, 2018 йилнинг ёз мавсумида болаларни оромгоҳларга жалб этиш ва соғломлаштиришга жиддий тайёргарлик қўрилди. Қорақалпоғистон Республикасидаги оромгоҳлар 5 июндан болаларни бағрига чорлайди.

Қорақалпоғистон Республикасида 2018 йилнинг ёз мавсумида фаолият юритадиган 27 оромгоҳда 11 минг 280 бола ҳордиқ чиқаради. Шундан Эллиқалъа туманидаги "Орол болалари", Тўрткўл туманидаги "Лочин", Тахиятош туманидаги "Ойдин йўл", Нукус шаҳридаги "Ёш авлод", "Орол" стационар дам олиш марказларида 3 минг 395 бола, 22 кундузги оромгоҳда 7 минг 885 бола соғломлаштирилади.

Барча оромгоҳларда ёнғин хавфсизлиги таъминланган, тиббий хоналар янгидан ташкил қилинган. Болаларнинг китобхоналик мадания-

тини, уларнинг билимини ошириш учун бадий, ижтимоий ва илмий китобларга эга кутубхоналар фаолият юритади.

Дам олиш мавсумини мазмунли ўтказиш мақсадида маданий-маърифий тадбирлар ташкил қилинади, таниқли фан ва санъат арбоблари билан учрашувлар ўтказилади. Инглиз тили тўғараклари фаолияти йўлга қўйилади.

Е. ҚАНОАТОВ,  
ЎзА муҳбири



— Болажонларимиз байрами шаҳримизда кўтаринки руҳда ўтди, — дейди Чирчиқ шаҳар ҳўкимии ўринбосари, хотин-қизлар кўмитаси раиси Зўхра Мелгазиева. — Шаҳримиздаги маданият ва истироҳат боғлари ота-оналар ва уларнинг фарзандлари билан гавжум бўлди. Айниқса, байрамда эртак қаҳрамонларининг чиқишлари болажонларимиз кайфиятини чоғ қилади. Шу куни кам таъминланган, ижтимоий ҳимояга муҳтож оила фарзандларига алоҳида эътибор кўрсатдик. Уларга шаҳар ҳўкимияти ва турли ташкилотларнинг байрам совғалари топширилди.

Янгийўл шаҳридаги "Алишер Навоий гулшани" номли маданият ва истироҳат боғида ҳам байрам шодиёналари бўлиб ўтди. Бу ерда намойиш этилган турли қизиқарли ўйинлар, эртак қаҳрамонларининг чиқишлари кичкинтойлар қалбига олам-олам қувонч бахш этди. Биз янгийўллик Саломат Мўминованинг байрам таассуротлари билан қизиқдик: — Қизим Минобар саккиз ёшда. У эрта тонгдан бизнинг байрамимиз-ку, деб хурсандчилигини яшира олмаяпти. Очиги, бу йилги тадбирлар ўзгача ўтаяпти. Айниқса, эртак қаҳрамонларининг болажонларга топшимоқ айтиши улар учун жуда қизиқ бўлди. Турли ташкилотларнинг болажонларга совғалари биз, ота-оналарни ҳам мамнун қилди.

— Роса маза қилдик, — дейди Олмалиқ шаҳридан 5 ёшли Умиджон Ботиров. — Богчамдаги ўртоқларим билан келгандим. Музқаймоқ едик. Арғимчоқларда учдик. Ёдлаган шеърларимизни айтиб бердик.

— Қувончли байрам шодиёнаси туманимиз кичкинтойлари учун ҳам унутилмас бўлди, — дейди Юқори Чирчиқ туманлараро суди раиси Феруза Жалолова. — Кези келганда айтиш керакки, юртимизда болалар ҳўқуқ ва эркинликлари қафолатланган. Ўзбекистон бола ҳўқуқлари оид бешта халқаро конвенцияга қўшилгани низоҳатда муҳим аҳамиятга эга. Шу боис, БМТнинг Бола ҳўқуқлари

— Халқимиз азалдан болажон халқ, — дейди "Маънавият ва марифат" маркази туман бўлими раҳбари Муҳтарам Наримова. — Ўзи ёмай, фарзандига едирди, ўзи қиймай ўғил-қизига қийдиради. Уларни яхши инсон бўлиб камол топиши, юртга муносиб фарзанд бўлишини истайди. Норасидаларни дини,

◀◀ Бошланиши 1-бетда

тўғрисидаги халқаро конвенциясида назарда тутилган мақсад ва вазифалар ҳаётиимизга изчил татбиқ этилмоқда. Конституция-миз ва бошқа қатор қонунлар асосида вояга етмаганларнинг ҳўқуқлари тўлиқ таъминланмоқда.

миллатидан қатъи назар, болам деб эркалайди.

Шундан сўнг Республи-ка ёш томошабинлар театри жамоаси томонидан "Маликани кўтқарамиз" спектакли намойиш этилди. Туман маданият бўлими хонандалари ва 17-Бо-

БАҒРИ БУТУН ЭЛНИНГ  
БАҲТИЁР БОЛАЛАРИ

— Бола — ҳаёт мазмуни, давомийлиги демакдир, — дейди Паркент туманидаги 5-сонли ихтисослаштирилган давлат умумтаълим мактабининг тарих фани ўқитувчиси Абдор Тўрабоев. — Улар кулгиси сабаб биз, катталар қалбидан завқ, ҳаётга бўлган мураҳбат ошиб бораверади. Митти кўзларда эзгулик ва меҳр балкиб, беғубор қўлгилари билан оламини тўлдирётган болажонлар тинчлик элчиларидир. Туманимизда бўлиб ўтган тадбирларга гўвоҳ бўлиб, мана шу фикрлар ҳаёлимдан ўтди.

Байрам шодиёналари Бўстонлик туманида ҳам кенг нишонланди. 17-Болалар мусиқа ва санъат мактабида "Обод юрт фарзандлари" тадбири бўлиб ўтди. Туман ҳўкимлиги, Ёшлар иттифоқи, "Миллий тикланиш" демократик партияси ҳамкорлигида ташкил этилган тадбирни туман ҳўкимии Файрат Мадаминов очиб берди. У барча болажонларни байрам билан қутлади.

— Халқимиз азалдан болажон халқ, — дейди "Маънавият ва марифат" маркази туман бўлими раҳбари Муҳтарам Наримова. — Ўзи ёмай, фарзандига едирди, ўзи қиймай ўғил-қизига қийдиради. Уларни яхши инсон бўлиб камол топиши, юртга муносиб фарзанд бўлишини истайди. Норасидаларни дини,

лалар мусиқа ва санъат мактаби ўқувчилари ижросидаги қўшиқлар барчага байрамона кайфият улашди.

Тадбир доирасида китоб ярмаркаси ҳам ташкил этилди. Туман ҳўкимии газалкентлик 1-гурўх ногирони Шаҳзод Йўлдошалиева ногиронлик аравачасини топширди. Шунингдек, кам таъминланган, ижтимоий ҳимояга муҳтож оила фарзандларига "Миллий тикланиш" демократик партияси туман кенгаши томонидан ҳам қўimmatбаҳо совғалар тарқатилди.

Нурафшон шаҳар ҳўкимлиги, прокуратура, ички ишлар ва маданият бўлимлари, Ёшлар иттифоқи кенгаши ҳамкорлигида "Нурафшон миллий таомлар" кафесида "Болаларга беринг дунёни" шiori остида тадбир ўтказилди. Унда 100 нафар кам таъминланган ва ногиронлиги бор болаларга байрам дастурхони ёзилди.

Тадбирнинг якуний қисмида 12-Болалар мусиқа ва санъат мактаби ўқувчиларининг бадий чиқишлари намойиш этилди. Шаҳар маданият бўлими хонандалари қўйлаган қўшиқларга болажонлар рақс туширишди. Тадбир қатнашчиларига ташкилотчилар совғалари улашилди.

"Тошкент ҳақиқати" муҳбирлари хабарлари асосида тайёрланди

Оҳангарон томонларда...

Ишчилар учун  
махсус либослар

Оҳангарон туманининг сўлим "Гўлобод" маҳалласида янги тикув цехи ўз фаолиятини йўлга қўйди.

"Оҳангарондон" АЖга қарашли мазкур тадбиркорлик тузилмасида ишчи-ходимлар учун махсус кийимлар тикилади. Шунингдек, корхонада 10 на-

фарга яқин чеварларнинг бандлиги таъминланди. Оҳангаронлик қўли гул чеварлар тикаётган уст-бошлар ишчи-хизматчиларга манзур бўлмоқда.

Саксон фоизи —  
экспортга

Оҳангарон шаҳрида иш бошлаган "TrendTex" хўсўсий корхонасида трикотаж маҳсулотлари, аёллар ва болалар учун бежирим кийим-кечаклар тайёрланапти.

Корхонага Япония ва Туркиядан 300 минг евро қийматидаги замонавий технологиялар келтирилган бўлиб, бу ерда 130 нафар киши доимий иш жойига эга бўлди.

Энг муҳими, корхона маҳсу-

лотларининг 80 фоизини Россия, Қозоғистон, Қирғизистон ва ҳаттоки, Европа мамлакатларига ҳам экспорт қилиш мўлжалланмоқда.

Эрлан НОРБЕКОВ,  
"Тошкент ҳақиқати" муҳбири

## ТОМОРҚАЧИНИНГ ТОПГАНИ ЎЗИНИКИ

Бугун аксарият хонадонлар ўзига тегишли ер майдонларидан унумли фойдаланиб, нафақат оиласига, балки бозорлар тукилиги, юртимиз фаровонлигига муносиб ҳисса қўшмоқда.

Ибрат



оширилаётган ишлар мисолида ҳам кўриш мумкин. Жумладан, Қорақалпоқ қишлоғининг "Марказий" маҳалласида яшовчи Аъзам Назиров бу йил 78 баҳорни қаршилади. Ушбу хонадон эгалари ниятда

Вилоятнинг барча туманларида махсус ишчи гуруҳларининг ташкил этилганлиги бу борада ўзининг ижобий самараларини бермоқда. Ишчи гуруҳ аъзолари хонадонларга кириб, ҳақиқий ҳолатни ўрганиб, аҳоли ўртасида томорқадан унумли фойдаланиш юзасидан тегишли тавсиялар бериб, кенг қўламдаги тарғибот-ташвиқот ишларини олиб бормоқда.

Буни Паркент туманида амалга

меҳнаткаш, фидойи инсонлар. Шу боис, томорқадаги бир қарич ер ҳам бўш қолмайди. Бир томонда гул кўчатлари, яна бир томонда бўлғор қалампери, помидор кўчатлари баравж ўсмоқда.

– Хар тонг қилинган меҳнатларимиз натижасини кўриб, кўзим қунайдими, чарчоғим арийдими, – дейди меҳнат фахрийси А. Назиров. – Тўғриси, аввалига иссиқхона шунчаки ҳавас учун ташкил қилган эдик. Қарасак, да-

ромади ёмон эмас. Эрта баҳордан ишга киришамиз, шунинг ҳисобидан йил давомида уч марта ҳосил оламиз. Бунга қўшимча равишда хонадонда товук, қорамоллар боқилайти. Шунинг орқасидан даромадимиз ортиб, турмушимиз фаровонлашиб бормоқда.

Паркент тумани "Сой" маҳалласи, Ҳамид Олимжон кўчасида истиқомат қилувчи Лобар Мирзааҳмедованинг хонадонидagi иккита иссиқхонада сабзавот ва кўчатлардан ташқари, 10 туп лимон кўчати барқ уриб ривожланмоқда. Ушбу хонадонда 3 бош қорамол, парранда ва қуён парваришланмоқда.

Туманда бундай хонадонлар кўп. Навдак қишлоғидан Айём Тошпўлатов, "Бодомтепа"лик Мирзокир Юнусов, "Учок" маҳалласида яшовчи Холида Яхеева, "Сой" маҳалласидан Муҳаббат Мирсалимова оилалари ҳам томорқа ер майдонидан унумли фойдаланаётганлиги билан бошқаларга ибрат.

Юлдузхон МУХИДДИНОВА,  
"Тошкент ҳақиқати" муҳбири

## БИРИДА ЯХШИ, БИРИДА АКСИ

Оққўрғон туманида "Томорқа хизмати" марказлари фаолиятини ривожлантириш бўйича ўқув-амалий семинар бўлиб ўтди. Унда вилоят фермер, деҳқон хўжаликлари ва томорқа ер эгалари кенгаши мутасаддилари, туман, шаҳар ҳокимлари ҳамда уларнинг ўринбосарлари, ҳудудлардаги "Томорқа хизмати" масъулияти чекланган жамиятлари раҳбарлари, жамоатчилик вакиллари иштирок этди.

Хизмат

Соҳада олиб борилаётган ишлар билан яқиндан таништириш мақсадида "Оққўрғон томорқаларга кўмаклашиш маркази" фаолиятига оид маълумотлар берилди. Ушбу тадбиркорлик тузилмасидаги 350 тонналик сизимга эга совутгич, суткасига 40 тонна дуккакли экинларни саралаш ва қадқолаш ускунаси, 4 минг тоннали омборхона тақдироти ташкил этилди.

– Шу кунгача, аҳолига 150 бош



қўй-қўзи, 2 минг 500 дона Франциядан келтирилган жўжа, 1000 дона товук, 15 мингга хонаки жўжа, 500 та ўрдак тарқатилди, – дейди "Оққўрғон томорқаларга кўмаклашиш маркази" МЧЖ раҳбари Абдусамид Саидхмедов. – Иссиқхоналаримизда етиштирилган 280 минг туп сабзавот ва 4 минг 200 туп мева дарахт кўчатларини томорқа эгаларига етказиб бердик. Бундан ташқари, ихчам ва арзон 1-1,2 сотихли иссиқхоналар, 50-60 та парранда боқичига мўлжалланган товукхоналар ҳамда фермер хўжаликлари учун дала шийпонларини ҳам қўриб бераймиз.

Шуни алоҳида таъкидлаш керакки, ҳозирда ушбу марказ ва тумандаги томорқа эгалари ўртасида 450

тонна қизил ловия, 160 тонна нўхат, 300 тонна помидор, 150 тонна саримсоқ етиштириш учун шартномалар тузилди.

– Президентимиз ташаббуси билан вилоятимизнинг барча ҳудудларида "Томорқа хизмати" масъулияти чекланган жамиятлари тузилган эди, – дейди вилоят фермер, деҳқон хўжаликлари ва томорқа ер эгалари кенгаши раиси Тўлқин Тўраев. – Бугунги кунда Оққўрғон, Оҳангарон, Пискент, Паркент, Юқори Чирчиқ, Бўка ва Тошкент туманлари ҳамда Бекобод шаҳридаги марказлар самарали фаолият олиб бормоқда. Лекин, Бекобод ва Чиноз туманлари ҳамда Ангрен, Чирчиқ шаҳарларидаги тузилмалар тўғрисида бундай фикрларни айтиш қийин. Ҳатто, бу ердаги МЧЖлар қишлоқ хўжалиги техникалари билан таъминланмаган. Аҳолига хизмат кўрсатиш сифати ҳам кўнглидагидек эмас.

Амалий семинар якунида соҳа мутахассислари томонидан мавжуд муаммоларни бартараф этиш йўллари, томорқачилик ривожига оид тақлиф ва мулоҳазалар билдирилди.

З. ҚАМБАРОВ  
Даврон АХМЕДОВ  
олган сурат

Вилоят ИИБ ЙХХБ томонидан Халқаро болаларни ҳимоя қилиш кўни муносабати билан йўл ҳаракати хавфсизлигини таъминлаш, ўсимирлар ва ёш болалар билан боғлиқ йўл-

транспорт ҳодисаларининг олдини олиш, йўллардаги ҳолатни қатъий назорат қилиш мақсадида "Тарғибот автокарвони" профилактик тадбирлари ўтказилмоқда.

## ҚОИДАНИ ПИСАНД ҚИЛМАСЛИК

умрнинг қадрини билмаслик

Ёнғин хавфсизлиги, Соғлиқни сақлаш, Фақулдда вазиятлар бошқармалари ва мудофаага кўмаклашувчи "Ватанпарвар" ташкилоти ҳамда "Автомобильная авария" кўнгилчилар жамияти билан ҳамкорликда шаҳар ва туманларда мунтазам ўтказилаётган тарғибот тадбирларида йўлларда ҳеч бир йўл-транспорт ҳодисаси ўз-ўзидан содир бўлмаслиги, аксарият ҳолларда ҳайдовчи ёки пилотнинг қоидаларга риоя қилмагани фало-

катга сабаб бўлиши ёшларга тушунтирилмоқда. Шунингдек, тадбирлар доирасида йўл-транспорт ҳодисаси юз берган вақтда ҳаракатланиш тартиби, биринчи ёрдам кўрсатиш бўйича амалий машғулотлар ташкил қилинди. Йўл-транспорт ҳодисасига учраган автомобиллар, йўл ҳаракати ва ёнғин хавфсизлиги тарғибот автобуслари орқали намойиш этилган анимацион фильмлар иштирокчиларда яхши



таассурот қолдирди. Хар кунни остана ҳатлаб кўчага чиқишимиз билан йўл ҳаракати иштирокчисига айланамиз. Доимо ҳушёр ва эътиборли бўлиш, белгиланган тартиб-қоидаларга амал қилиш хавфсизлигимиз кафолати эканини унут-майлик.

Тошкент вилояти ИИБ  
ЙХХБ матбуот хизмати

Билиб қўйган яхши

Хонадонимизда электр жиҳозларининг сони кун сайин ортиб бораёпти. Бу албатта, уй бекаларининг оғирини енгил, мушкулени осон қилади, шу билан бирга вақтини тежаш имконини беради. Улардан бири – микротўлқинли печь. У аллақачон ошхонамиздаги ишончли дастага айланиб улгурган.

Аммо, кейинги пайтларда печининг инсон саломатлигига таъсири ва зарари ҳақида кўп эшитаямиз. Айниқса, ихтимой тармоқларда ушбу мавзудаги турли маълумотларни ўқиш мумкин.

## МИКРОТЎЛҚИНЛИ ПЕЧЬ ҲАЁТ УЧУН ХАВФЛИМИ?

Манчестер университети олимлари ўтказган тадқиқотлар орқали, ушбу печлар инсон саломатлигига жиддий зиён етказиши аниқланибди. Қисиб-китоблар микротўлқинли печлар атмосферага автомобиль қатори, ҳатто ундан ҳам кўпроқ захар чиқаришлари кўрсатган.

Швеция олимлари ҳам ушбу жиҳознинг безарар дегувчилар фикрини бутунлай йўққа чиқаришди. Уларнинг айтишича, микротўлқинли печининг ёнида узок вақт туриш инсон нафас йўллари, юрак, ўпка ва бошқа аъзолар фаолиятига жиддий зарар етказаркан. Бундан ташқари, унинг кўз қатарактиси, саратон касалликларига олиб келиш эҳтимоли бор.

Яна бир гуруҳ тадқиқотчиларнинг қайд этишича,

агар микротўлқинлар ишлаш муддати қисқартирилмаса, келгусида иккинчи глобал исб кетишида асосий роль ўйнаши тайин экан.

Хўш, микротўлқинли печлар чиндан ҳам инсон ҳаёти учун хавфлими?

– Микротўлқинли печлар асосан электр магнит нурлари орқали ишлайди, – дейди вилоят Давлат санитария-эпидемиология назорати марказининг радиология хавфсизлиги бўлими ходими Фозилжон Раимжонов. – Уларда ионловчи нур манбаларида умуман фойдаланилмайди. Амалиётда микротўлқинли печлар ионловчи нурларни ўлчовчи воҳита ёрдамида ўлчанганда белгиланган меъёрдан ошмайди. Бу эса, печ аҳоли саломатлигига зарар етказмаслигини бил-

дилади. Бундан ташқари, шуни айтиш керакки, республикамизга кириб келадиган ва ўзимизда ишлаб чиқариладиган майиш техникалар Ўзбекистон Республикаси Божхона қўмитаси, "Ўзстандарт" агентлиги, Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлиги томонидан хавфсизлик низоми бўйича назоратдан ўтган кейингина фойдаланишга рухсат этилади.

Дарвоқе, микротўлқинли печни америкалик олим, инженер Перси Спенсер ихтиро қилган. У ўз изла-нишларида 1945 йилда патент олади. Кашфиётининг тизлиги ва унумлилигини текшириб, яхдан эри-тиш, иситиш хусусиятларини излаб топади ва 1949 йилда микротўлқинли печни синаб кўради.

Илмири ЛАЗИЗОВА

«БИЗ ДИНИЙ  
ЭКСТРЕМИЗМ ВА  
ТЕРРОРИЗМГА  
ҚАРШИМИЗ!»

Тошкент давлат аграр университетида шу мавзуда тадбир бўлиб ўтди.

Тадбир

Университетнинг профессор-ўқитувчилари, талаба-ёшлар ҳамда Қибрай туманидаги "Яланғоч ота" жоме масжиди имомхатиб иштирок этган мазкур тадбирда бугунги кунда юртимиз диний бағрикенглик борасида дунё ҳамжамиятига намуна бўлаётганлиги ҳақида сўз борди. Мазкур давлатларда уруш оловини ёқётган террористик ташкилотлар фаолиятига доир маълумотлар берилди.

Таъкидланганидек, ёшлар онгига гоёвий таҳдидларга қарши иммунитет ҳосил қилиш, оғоҳликка қақариш борасида турли тадбирлар тизимли ташкил этилаётгани муҳим аҳамият касб этмоқда.

– Бугунги кунда Исломи динини ниқоб қилиб олган гуруҳлар томонидан ғайриинсоний ҳаракатлар амалга оширилмоқда, – дейди "Яланғоч ота" жоме масжиди имомхатиб Сиддиқ Жабборов. – Энг ёмони, улар томонидан ёшларимизни бу қабоҳат оламига жалб этишга ҳаракат қилинаётганидир. Бугунги тадбирда бундай ёвуз кучлардан ишончли ҳимояланиш чоралари ҳақида талабаларимизга ҳаётий мисоллар, саҳиҳ маълумотлар ёрдамида гапириб бердик.

Тадбир сўнгига "Тафаккур эҳтиёжи" ҳужжатли фильми намойиш этилди.

Ўз муҳбиримиз

Реклама ва эълонлар

"PRIME REALTY" МЧЖнинг АУКЦИОН  
САВДОЛАРИГА МАРҲАМАТИ

2018 йил 4 июль кунини соат 15.00 да мулкнинг бошланғич баҳоси босқичма-босқич оширилиши тартибиде ўтказиладиган очик аукцион савдосига қуйидаги дарахтлар ва уларга бўлган ҳуқуқлар қўйилмоқда:

1. "NEMATJON AGRO FAYZ" фермер хўжалигига қарашли бошланғич баҳоси – 42 792 309 сўм бўлган, Тошкент вилояти, Тошкент тумани, Масалбой ҚФЙ ҳудуди бўйича 2,0 Га. ер майдони участкасида жойлашган 1900 туп узум кўчатлари;

2. "NASIBA CHAROS" фермер хўжалигига қарашли бошланғич баҳоси – 64 188 464 сўм бўлган, Тошкент вилояти, Тошкент тумани, Қизгалдоқ ҚФЙ ҳудуди бўйича 3,0 Га. ер майдони участкасида жойлашган 2850 туп узум кўчатлари;

3. "KARIM KOMIL AGRO FAYZ" фермер хўжалигига қарашли бошланғич баҳоси – 63 527 695 сўм бўлган, Тошкент вилояти, Тошкент тумани, Қизгалдоқ ҚФЙ ҳудуди бўйича 2,8 Га. ер майдони участкасида жойлашган 2660 туп узум кўчатлари;

4. "ARTIKOV MA'RUFJON AGRO" фермер хўжалигига қарашли бошланғич баҳоси – 55 124 841 сўм бўлган, Тошкент вилояти, Тошкент тумани, Қизгалдоқ ҚФЙ ҳудуди бўйича 2,43 Га. ер майдони участкасида жойлашган 2308 туп узум кўчатлари;

5. "FERUZA CHAROS" фермер хўжалигига қарашли бошланғич баҳоси – 57 975 457 сўм бўлган, Тошкент вилояти, Тошкент тумани, Қизгалдоқ ҚФЙ ҳудуди бўйича 2,71 Га. ер майдони участкасида жойлашган 2574 туп узум кўчатлари;

6. "QAYUMOV ABDURASHID AGRO" фермер хўжалигига қарашли бошланғич баҳоси – 58 536 233 сўм бўлган, Тошкент вилояти, Тошкент тумани, Қизгалдоқ ҚФЙ ҳудуди бўйича 2,58 Га. ер майдони участкасида жойлашган 2451 туп узум кўчатлари.

Аукцион савдоси Тошкент ви-

лояти, Тошкент тумани, Келес шаҳарчаси, К. Ғофуров кўчаси, туман ҳокимлиги биносиде ўтказилади. Мазкур мулк сотилмай қолган тақдирда тақририй аукцион савдолари хар ҳафтанинг чоршанба кунлари юқорида кўрсатилган соатларда ўтказилади. Аукцион савдоси голиби савдо ўтган кундан бошлаб, 10 (ўн) кун ичида сотувчи билан олдин-сотида шартномасини тузиши ва мулкнинг сотиб олиш баҳосидан ташқари савдо ташкилотчисига мулк сотув нархининг 5 (беш) фоиз комиссияс йигимини тўлаши лозим. Аукцион савдосида иштирок этиш учун талабгорлардан аризалар расмий иш кунлари соат 10.00 дан 16.00 гача қабул қилинади ва аукцион савдосидан бир кун олдин соат 15.00 да тўхтатилади. Аукцион савдоларида қатнашиш истагани билдирган шахслар "Закалат пули тўғрисидаги қелишув"ни имзолашдан сўнг объект бошланғич баҳосининг 15 фоизидан кам бўлмаган миқдордаги закалат пулини "TASHKENT REALTOR SERVICE" МЧЖнинг "Ипак йўли" АИТБ Тошкент шаҳар Миробод фи-

"TASHKENT REALTOR SERVICE" МЧЖ бошланғич баҳоси босқичма-босқич ошиб бориши шаклида  
ўтказиладиган очик аукцион савдоларига тақлиф этади!

1. Тошкент вилояти, Қибрай тумани, Чинобод ҚФЙ ҳудудида фаолият юритаётган "GROW VISION" МЧЖга тегишли жами 10,84 Га. ер майдонида жойлашган 800 туп гилос ва 3000 туп олхўри дарахтларидан иборат "Богзор", бошланғич баҳоси – 32 000 000 сўм;

2. Тошкент вилояти, Қибрай тумани, "Қибрай ОАЗИС" СИУ ҳудудида фаолият юритаётган "QIBRAY-ERGA-SHEV DIYOR" ф/хга тегишли жами 2,39 Га., шундан 1,48 Га. ер майдонида жойлашган 416 туп узум кўчатларидан иборат "Узумзор", бошланғич баҳоси – 20 422 000 сўм.

Очик аукцион савдолари 2018 йил 2 июль кунини соат 15.00 да

Тошкент шаҳри, Миробод тумани, Авлиё ота кўчаси, 13-уйда бўлиб ўтади. Мазкур объектлар сотилмаса, тақририй аукцион савдоси 2018 йилнинг 18 июль, 25 июль кунлари соат 15.00 да бўлиб ўтади.

Савдога қўйилган объектларни жойига бориб кўрсатиш талабгор ҳисобидан сотувчининг вакили томонидан амалга оширилади. Аукцион савдосида иштирок этиш истагани билдирган шахслар "Закалат пули тўғрисидаги қелишув"ни имзолашдан сўнг объект бошланғич баҳосининг 15 фоизидан кам бўлмаган миқдордаги закалат пулини "TASHKENT REALTOR SERVICE" МЧЖнинг "Ипак йўли" АИТБ Тошкент шаҳар Миробод фи-

лиалидаги ҳисоб рақами 20208000804876496001, МФО 01101, ИНН 301743808 га тўлашлари лозим. Шунингдек, риэлторлик хизматларининг миллий стандарти (2-сон РХМС)га асосан талабгорларга кўчмас мулк бозорида ахборот ва маслаҳат хизмати кўрсатилади ҳамда энг кам иш ҳақининг 1 баравари миқдорда шартномалар тузилади.

Аукцион савдосида қатнашиш учун талабгорлар қуйидаги ҳужжатларни топширишлари керак: – юридик шахслар учун – давлат рўйхатидан ўтказилганлик тўғрисидаги гувоҳнома нусхаси, ишончли вакил иштирок этганида шартномаси;

– жисмоний шахслар учун – паспорт нусхаси, ишончли вакил иштирок этганида ишончнома.

Мазкур ҳужжатлар эълон чиққан кундан бошлаб, расмий иш кунлари соат 9.00 дан 16.00 гача Тошкент шаҳри, Миробод тумани, Авлиё ота кўчаси, 13-уй, 2-қаватда қабул қилинади ва савдодан бир кун олдин соат 18.00 да, тақририй савдолар учун савдодан бир кун олдин соат 16.00 да тўхтатилади. Қўшимча маълумотларни realtorservice@mail.ru, 147-40-00 телефон рақами орқали олишингиз мумкин.

Хизматлар лицензияланган RR – № 0008.

"REZOLYUT TRANS TRADING" МЧЖ  
2018 йил 4 июль кунини соат 11.00 да бўлиб  
ўтадиган бошланғич нархи босқичма-босқич  
ўсиб бориши тартибидеги очик аукцион  
савдоларига тақлиф этади!

Очик аукцион савдосига 07984-харбий қисм томонидан берилган, 2018 йил 31 майдаги № 1432-сонли буюртма хатига асосан 07984-харбий қисм гаражида сақланган:

1. 2007 йил и/ч., д/р. 1065НЕ, бошланғич баҳоси – 20 140 000 сўм бўлган, "ТТЗ 8010" русумли трактор;

2. 2007 йил и/ч., д/р. 11-67НЕ, бошланғич баҳоси – 4 950 000 сўм бўлган, "2ПТС" русумли тиркама;

3. 1978 йил и/ч., д/р. 10-29ТВ, бошланғич баҳоси – 32 250 000 сўм бўлган, "К-701" русумли юк тортувчи трактор қўйилган.

Юқоридаги мулклар 2018 йил 4 июль кунини соат 11.00 да сотилмаса, тақририй савдолар 2018 йил 19 июль, 3 август, 20 август ҳамда 5 сентябрь кунлари соат 11.00 да бўлиб ўтади. Автотранспорт воситасини балансида сақловчининг ишончли вакили иштирокчида кўздан кеңириш мумкин. Аукцион савдоларида иштирок этувчи талабгорлардан буюртманомалар қабул қилиш расмий иш кунлари (якшанба ва байрам кунларидан ташқари) соат 10.00 дан 16.00 гача қабул қилинади. Талабгорлардан буюртмалар қабул қилиш савдо ўтказиладиган кундан бир иш кунини олдин соат 16.00 да тўхтатилади. Ушбу аукцион савдоларида иштирок этишни истаган талабгорлар мулк бошланғич нархининг 15 фоизидан кам бўлмаган миқдордаги закалат пулини "REZOLYUT TRANS TRADING" МЧЖнинг ХАТБ "DAVY BANK" Яккасарой тумани бўлимидаги ҳисоб рақами: 2020800040789209001, МФО 01069, ИНН 304990340 га тўлашлари керак.

Манзил: Тошкент шаҳри, Миробод тумани, Истикбол кўчаси, 34-уй. Тел.: (0-371) 236-25-53. Веб сайт: www.rezolyut.uz. Гувоҳнома № 531168.

"CAPITAL TRUST INVEST" МЧЖ бошланғич нархи  
босқичма-босқич ошиб бориши тартибиде ўтказиладиган  
очик аукцион савдоларига тақлиф этади!

Очик аукцион савдосига АТ "Халқ банк"и Чиноз филиалининг 01.06.2018 йилдаги № 153-сонли буюртманомасига асосан, ўз тасарруфида бўлган қуйидаги кўчмас мулклар қўйилмоқда:

1. Тошкент вилояти, Чиноз тумани, Янги Чиноз қўрғони, Самарқанд кўчасида жойлашган умумий майдони 35,60 кв.м. бўлган 3644/010-сонли касса. Бошланғич нархи – 17 806 000 сўм;

2. Тошкент вилояти, Чиноз тумани, Эски Тошкент ҚФЙ, Самарқанд кўчасида жойлашган умумий майдони 25.10 кв.м. бўлган 3644/02-сонли касса. Бошланғич нархи – 16 487 000 сўм;

3. Тошкент вилояти, Чиноз тумани, Олмазор қўрғони, Самарқанд кўчасида жойлашган умумий майдони 67.60 кв.м. бўлган 3644/01-сонли касса. Бошланғич нархи – 24 295 000 сўм.

Аукцион савдоси 2018 йил 3 июль кунини соат 11.00 да Тошкент шаҳри, Миробод тумани, Истикбол кўчаси, 34-уй манзилида бўлиб ўтади.

Юқоридаги кўчмас мулклар 2018 йил 3 июль кунини соат 11.00 да, тақририй савдолар 2018 йил 18 июль, 3 август, 20 август ҳамда 5 сентябрь кунлари соат 11.00 да бўлиб ўтади.

Очиқ аукцион савдосига АТ "Халқ банк"и Чиноз филиалининг 01.06.2018 йилдаги № 153-сонли буюртманомасига асосан, ўз тасарруфида бўлган қуйидаги кўчмас мулклар қўйилмоқда:

1. Тошкент вилояти, Чиноз тумани, Янги Чиноз қўрғони, Самарқанд кўчасида жойлашган умумий майдони 35,60 кв.м. бўлган 3644/010-сонли касса. Бошланғич нархи – 17 806 000 сўм;

2. Тошкент вилояти, Чиноз тумани, Эски Тошкент ҚФЙ, Самарқанд кўчасида жойлашган умумий майдони 25.10 кв.м. бўлган 3644/02-сонли касса. Бошланғич нархи – 16 487 000 сўм;

3. Тошкент вилояти, Чиноз тумани, Олмазор қўрғони, Самарқанд кўчасида жойлашган умумий майдони 67.60 кв.м. бўлган 3644/01-сонли касса. Бошланғич нархи – 24 295 000 сўм.

Аукцион савдоси 2018 йил 3 июль кунини соат 11.00 да Тошкент шаҳри, Миробод тумани, Истикбол кўчаси, 34-уй манзилида бўлиб ўтади.

Юқоридаги кўчмас мулклар билан

"ЎЗБЕКИСТОН" нашриёт-матбаа ижодий уйи босмахонасида босилди. Корхона манзили: Тошкент шаҳри, Навоий кўчаси, 30-уй. Нашр кўрсаткичи – 205. Босишга топшириш вақти – 21.00. Босишга топширилди – 23.25.